

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАЗАРОВ ФАЙЗУЛЛО МАХМАДИЯРОВИЧ

НОСТАЦИОНАР ТИЗИМЛАРНИ ТАШКИЛИЙ БОШҚАРИШДА
ТАҚСИМЛАНГАН РЕЕСТР МЕХАНИЗМЛАРИ АСОСИДА
МАЪЛУМОТЛАР ИШОНЧЛИЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛ ВА
АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.02 – Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Technical Sciences**

Назаров Файзулло Махмадиярович

Ностационар тизимларни ташкилий бошқаришда тақсимланган реестр
механизмлари асосида маълумотлар ишончилигини ошириш усул ва
алгоритмлари.....3

Назаров Файзулло Махмадиярович

Методы и алгоритмы повышения достоверности информации на основе
механизмов распределенного реестра при организационном управлении
нестационарными системами.....21

Nazarov Fayzullo Makhmadiyarovich

Methods and algorithms for increasing the reliability of information based on the
mechanisms of the distributed register in the organizational management of non-
stationary systems.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАЗАРОВ ФАЙЗУЛЛО МАХМАДИЯРОВИЧ

НОСТАЦИОНАР ТИЗИМЛАРНИ ТАШКИЛИЙ БОШҚАРИШДА
ТАҚСИМЛАНГАН РЕЕСТР МЕХАНИЗМЛАРИ АСОСИДА
МАЪЛУМОТЛАР ИШОНЧЛИЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛ ВА
АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.02 – Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2020.2.PhD/Т1560 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ахатов Акмал Рустамович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бабомурадов Озод Жураевич
техника фанлари доктори

Тухтаназаров Дилмурод Солижонович
техника фанлари бўйича фалсафа доктор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат транспорт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «03» ИЮН соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (202 рақам билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2021 йил «21» май да тарқатилди.
(2021 йил «08» май даги 11 рақамли реестр баённомаси.)



Р. Х. Хамдамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, техника фанлари доктори, профессор

Ф. М. Нуралиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, техника фанлари доктори, доцент

А.В. Кабулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, техника
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, рақамли технологиялар асосида ижтимоий – иқтисодиёт тизимларни автоматлаштирилган ҳолда бошқаришни оптималлаштириш учун бошқариладиган тизим таркибидаги маълумотлар ишончилигини оширишга тўғри келади. Ҳозирда маълумотлар оқими ўзгарувчан бўлганлиги сабабли компьютер тармоқларидаги ахборот тизимларини бошқарув моделлари асосида бошқариш ҳамда маълумотлар ишончилигини оширишда тақсимланган реестрга асосланган блокчейн механизмларини қўллаш самарали усуллардан бири ҳисобланади. Шу сабабли, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Испания Япония, Жанубий Корея, Россия Федерацияси, Хитой, Хиндистон ва дунёнинг бошқа мамлакатларининг олимлари сақланаётган маълумотларнинг ишончилигини таъминлашда тақсимланган реестрга асосланган блокчейн механизмларини қўллаш бўйича бир қанча тадқиқотлар олиб бормоқда. Бундай тадқиқотларда блокчейн технологиясини қўллаш асосан криптовалюта тизимларини ташкил қилиш ва пул айланишга асосланган бизнес – жараёнларини оптималлаштиришга қаратилган. Шу қаторда, бугунги кунда компьютер тармоқларидаги электрон ҳужжат айланиш, логистика, электрон коммунал тўловлар каби бошқарув тизимларининг маълумотлари ишончилигини ошириш учун тақсимланган реестр механизмларини қўллаш масалалари ўз ечимини етарли даражада топмаганлигини таъкидлаш мумкин.

Компьютер тармоқларидаги электрон ҳужжат айланиш, электрон коммунал тўловлар, логистика каби тизимларда қатъий чекланган муддатлар белгиланади, аммо маълумотларни қайта ишлаш жараёнида кечикиш ҳолатлари кузатилади ва ушбу кечикишларни бартараф этиш муаммоси муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Келтирилган тизимлар ностационар табиатга эга эканлиги, кечикиш ҳолатларини тавсифлайдиган маълумотлар ишончилигини таъминлашда қўшимча муаммоларни келтириб чиқаради. Шу сабабли сўнгги йилларда бошқарувни оптималлаштириш учун, бошқарув назарияси усулларини қўллаш амалиёти асосида чекланган шартлардаги ностационар тизимларнинг маълумотлар ишончилигини ошириш усулларига қизиқиш ортиб бормоқда. Бошқарув тизимларида тақсимланган реестрга асосланган блокчейн технологиясини қўллаш маълумотлар ишончилигини оширишда янгича ёндашувни белгилаб беради. Демак, ностационар жараёнли бошқарув тизимларининг маълумотлар ишончилигини оширишда тақсимланган реестрга асосланган блокчейн механизмлари ёрдамида маълумотлар базасини шакллантиришнинг архитектура модели ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳамда қўллаш долзарб тадқиқотлар мавзусини касб этади.

Республикамызда ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш билан бир қаторда ахборот тизимларининг бошқариш сифатини ва улардаги маълумотларнинг ишончилигини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон

Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясига кўра, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг эффектив механизмларини яратиш масалаларига оид муаммоларни ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4024-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ностационар жараёнларни динамик бошқариш бўйича хорижий олимлардан С.Р.Сутлер, В.Л.Рамакер, башоратлаш асосида бошқарувни моделлаштириш бўйича Ж.Ричалет, А.Раулт, Ж.Тестуд, Ж.Папон, Д.В.Кларке, Р.Скаттолини, Л.Чиски, Э.Моска, ностационар жараёнларини терминал бошқаришни математик моделлаштириш бўйича А.Пропое, А.Э.Красовский ва И.Е.Зубер тадқиқот ишларини олиб борган. Бошқариладиган тизимларга тақсимланган реестрга асосланган блокчейн механизмларини қўллаш бўйича М.М.Пряников, А.В.Чугунов, А.И.Власов, А.А.Карпунин, А.С.Теряева, А.С.Баева тадқиқот ишларини олиб борган. Блокчейн механизмлари таркибида криптографик алгоритмларни қўллаш бўйича Сатоши Накамото, Р.Маянк, Г.Данило, К.Катина, Л.Ванг, Х.Шен, Ж.Ли, Ж.Шао, Й.Янг, П.Й.Пириоу, Жеан Франсоис, Э.Дуффиелд, Х.Счинзел, Ф.Гутиеррез, К.В.Дам, Х.С.Лин тадқиқот ишлари олиб борган.

Шунингдек Ўзбекистонда М.М.Камилов, Т.Ф.Бекмуратов, М.М.Каримов, Р.Х.Хамдамов, Ш.Х.Фозилов, М.А.Исмаилов, Д.Т.Мухаммадиева, М.А.Рахматуллаев, О.Ж.Бабомуродов, Н.С.Маматовлар оптимал бошқарувга бағишланган илмий тадқиқотларга катта ҳиссаларини қўшган.

Юқорида келтирилган олим ва тадқиқотчиларнинг тадқиқот ишлари тизимли таҳлил қилиниш натижасида бошқарув жараёнлари чекланган шароитлардаги шартларда етарли даражада ўрганилмаган ҳамда бошқариладиган ахборот тизимларида тақсимланган реестр механизмлари асосида маълумотлар ишончлилигини ошириш ҳам етарли даражада

ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд давлат университети ва Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалининг А5-039-«Маълумотларни интеллектуал таҳлил қилишнинг параллел алгоритмларини қуриш дастурий воситаларини ишлаб чиқиш» (2015-2017) ва БА-А5-033-«Даволаш-профилактика муассасаларида маълумотларга ишлов бериш ва фаолият мониторинги автоматлашган тизимини яратиш» (2017-2018) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади чекланган шартли ностационар тизимларни башоратли бошқарув модели ҳамда тизимда маълумотлар ишончлилигини ошириш усул, алгоритмлари ва дастурий воситасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ностационар тизимларни бошқариш моделлари ва бошқариладиган тизим маълумотлар ишончлилигини ошириш усулларини тизимли таҳлил қилиш;

чекланган шартлардаги ностационар тизим маълумотлар ишончлилигини оширишнинг блокчейнга асосланган усул ва алгоритминини ишлаб чиқиш;

тақсимланган реестр механизмларига махфийлаштиришнинг динамик усулини қўллаш орқали бошқарув самарадорлигини ошириш алгоритминини ишлаб чиқиш;

чекланган шартлардаги ностационар тизимларни бошқаришнинг математик моделларини такомиллаштириш;

чекланган шартлардаги ностационар тизимлар бошқарувини оптималлаштириш дастурий мажмуасини лойиҳалаш, ишлаб чиқиш ва жорий қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тўлов тизимлари шу жумладан, олий таълим шартнома тўловини амалга оширишда ва электрон хужжат алмашинув тизимида маълумотларга ишлов бериш жараёнлари қаралган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ностационар тизимларни ташкилий бошқариш ва тақсимланган реестр механизмлари асосида маълумотлар ишончлилигини оширишнинг усул ва алгоритмларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, бошқарув усуллар назарияси, математик моделлаштириш, нейрон тармоғи назарияси, тақсимланган реестр, яъни блокчейн механизмлари, ахборотни химоялаш усуллари, алгоритмлаштириш ҳамда маълумотлар ва билимлар базасини лойиҳалаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ностационар тизимларни чеклов шартлари асосида ташкилий бошқаришнинг башоратли модели ишлаб чиқилган;

чекланган шартлардаги ностационар тизимларни нейрон тармоғи асосида ташкилий бошқаришнинг оптималлаштириш модели ишлаб чиқилган;

ностационар тизимларда тақсимланган реестр механизмларининг консенсус алгоритми асосида маълумотлар ишончилигини ошириш усули ишлаб чиқилган;

ностационар тизим бошқарувини оптималлаштиришда блокчейнга асосланган махфийлаштиришнинг динамик усулини такомиллаштириш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ностационар тизимларни чекланган шароитлардаги шартлар асосида бошқарув ва ностационар тизим маълумотлар ишончилигини тақсимланган реестр механизми асосида оширишнинг алгоритмик таъминоти ишлаб чиқилган;

тақсимланган реестр механизмлари асосида динамик калитли шифрлаш усулларни қўллаш жараёнининг алгоритмик таъминоти ишлаб чиқилган;

чекланган шароитлардаги ностационар тизимларни бошқариш ва маълумотлар ишончилигини оширишнинг дастурий модуллари яратилган ва бу дастурий модуллари олий таълим муассасаси шартнома тўлов ва электрон ҳужжат айланиш жараёнларига тадбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қўйилган муаммонинг математик жиҳатдан аниқ ифодаланиши, ностационар тизимлар учун чекланган шароитли шартларни эътиборга олиш усуллари, нейрон тармоғини башоратлаш моделлари асосида бошқариш, блокчейн механизмларини тармоқ тизимларига қўлланилиш усуллари, RSA шифрлаш усули билан интеграцияси, ишлаб чиқилган динамик калитли шифрлаш усулини криптобардошлилиги тажрибавий тадқиқотларнинг ижобий натижалари билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган бошқарув моделлари, усуллари ва алгоритмлари ташкилий бошқариладиган иқтисодий жараёнлар параметрларини башоратлаш асосида бошқарувни оптималлаштириш ҳамда маълумотлар ишончилигини таъминлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган усул ва алгоритмлар тўлов тизимларининг мавжуд маълумотлари асосида тўлов муддатларини белгилаш учун тавсиялар беради, тармоқ тизимларидаги ностационар тизим маълумотларини махфийлаштириш асосида маълумотлар ишончилигини ошириш, ташкилотларнинг электрон ҳужжат айланиш тизимларининг хавфсизлиги ва самарадорлигини ошириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация тадқиқотлари доирасида ностационар тизимларни ташкилий бошқаришда тақсимланган реестр механизми ёрдамида маълумотлар ишончилигини ошириш усули ва алгоритмларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бошқариладиган ностационар тизимнинг кириш маълумотларини аниқлаш, консенсус алгоритмларини танлаш, тақсимланган реестрга асосланган блокчейн механизмлари асосида маълумотлар базаси архитектурасини ишлаб чиқиш алгоритмлари Самарқанд вилоят иқтисодий судига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 17 декабрдаги 08/УМ-727-20-сон маълумотномаси). Натижада тақсимланган реестрга асосланган блокчейн механизмлари асосида электрон хужжат айланиш тизими ташкил этишда хотира ҳажми ва маълумотлар ишончилиги самарадорлигини 1,5-2 баробар оширишга эришилган.

бошқариладиган ностационар тизимларга шифрлаш усулларни тақсимланган реестр механизмлари билан интеграциялаш асосида яратилган алгоритм ва механизмлар Қишлоқ қурилиш банкига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 2 декабрдаги 33-8/7344-сон маълумотномаси). Натижалар электрон хужжат айланиш тизимининг маълумотлар базасида маълумотлар ишончилиги самарадорлигини 1,5-2 баробар ошириш имконини берган;

ностационар тизимларнинг ташкилий бошқаришнинг чекланган шартларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган бошқарувнинг башоратли, адаптив-статистик ва нейрон моделлари ҳамда тақсимланган реестр механизмлари асосида яратилган алгоритм ва механизмлар Самарқанд давлат университети ва ТАТУ Самарқанд филиалига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 2 декабрдаги 33-8/7344-сон маълумотномаси). Натижада олий таълим шартнома тўлов жараёнида чекланган шартдаги бошқарув моделлари асосида тавсия этилган янги муддатлардаги тўловларнинг ҳажмини 7-8% га оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 5 та халқаро ва 5 та республика илмий амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, 4 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида нашр қилинган, шунингдек, 4 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришда диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети

аниқланган, олинган натижаларнинг ишончилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ностационар тизимларни бошқариш ва маълумотлар ишончилигини оширишнинг масалалари**» деб номланган биринчи боби, учта параграфдан иборат бўлиб, унда ностационар тизимларни бошқариш масаласининг замонавий ҳолати, чекланган шароитларда ечиш усулларининг таҳлили, бошқарувни оптималлаштиришда маълумотлар ишончилигини ошириш бўйича тақсимланган реестр механизмларининг ютуқ ва камчиликлари қайд этилган. Тизимдаги чекловлар сифатида автоматлаштирилган тизимларда топшириқлар ва вазифаларни бажариш жараёнида қаътий чекланган муддатлар белгиланади. Тадқиқотда қуйиладиган вазифалар ижро этилиш вақтида ушбу муддатларнинг кечикиш ҳолатлари ҳам мавжуд деб қабул қилинади. Электрон ҳужжат айланиш, таълим шартнома тўлов, коммунал тўловларни мониторинг қилиш, махсулотлар логистикаси ва шу каби бошқа тизимлар буларга мисол қилиб хизмат қилади. Шу муносабат билан, белгиланган вақт ичида вазифаларни бажарилмаслик ҳамда кечикишлар билан ишлов бериш ҳолатлари кузатилаётган тизимларни чекланган шартлардаги ностационар тизимлар деб номлаймиз (ЧШНТ). Ностационар тизимларни бошқариш бўйича маълумотлар ишончилигини оширишнинг усул ва алгоритмларини ўрганиш асосида тадқиқотнинг ушбу йўналишни ривожлантириш муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари аниқланган ҳамда тадқиқот иши масаласининг қўйилиши шакллантирилган. Ностационар тизимлар объектлари, кузатиш соҳаси ва бошқарилувчи чиқиш модели мос равишда қуйидаги (1)-(3) муносабатлар билан ифодаланади:

$$\begin{cases} x_{t+1} = A_t x_t + B_t u_t + z_t \\ x_{t|t=0} = x_0 \end{cases} \quad (1)$$

$$\lambda_t = H_t x_t + q_t \quad (2)$$

$$y_t = L_t x_t \quad (3)$$


Бу ерда $x_t \in R^n$ - ностационар объектнинг ҳолати, $u_t \in R^m$ - бошқарувчи таъсир (маълум киришлар), $\lambda_t \in R^l$ - кузатишлар, назорат системасининг чиқиши, $y_t \in R^n$ - бошқарилувчи чиқишлар, A_t, B_t, H_t, L_t - тегишли параметрлар ўлчамларнинг матрицалари сифатида қаралади. Қаралаётган объект ҳолатининг назорат қилиш системаси (2) тенглама билан берилган. Фараз қиламизки, z_t тасодифий кўзғалишлар ва ўлчамнинг хатоликлари q_t ўзаро корреляцияланмаган ва ўртачаси 0 га тенг ва Z, Q ковариацияларга эга Гаусс тақсимотига бўйсинади. Чекланишлар қуйидаги тенгсизликлар кўринишида ифодаланади.

$$\alpha_1(t) \leq D_1 x_1 \leq \alpha_2(t) \quad (4)$$

$$\varphi_1(x_i, t) \leq D_2 u_i \leq \varphi_2(x_i, t) \quad (5)$$

Бу ерда D_1 ва D_2 чекланишларга қўйиладиган x_i ва u_i векторлар компоненталарини аниқловчи ноллар ва бирлардан иборат тўлиқ рангдаги структурали матрицалар; $\alpha_1(t), \alpha_2(t), \varphi_1(x_i, t), \varphi_2(x_i, t)$ - берилган векторлар ўлчовларининг вектор функциялари ҳисобланади. Масала шундан иборатки λ_i кузатишлар бўйича шундай бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиш керакки, унда y_i системалар чиқиш вектори (4) - (5) чекланишларни ҳисобга олган ҳолда берилган \bar{y}_0 векторига яқин бўлиш керак. Юқорида қўйилган масаланинг оптимал ечимларини аниқлаш, ишончли маълумотларга таянган ҳолда амалга оширилади. Бунинг учун тақсимланган реестр механизмлари асосида маълумотлар ишончилигини оширишнинг тамоиллари, усул ва алгоритмларининг қиёсий таҳлили батафсил келтирилган.

Диссертациянинг «**Чекланган ностационар тизимларнинг маълумотлар ишончилигини ошириш алгоритмлари**» деб номланган иккинчи боби, тўртта параграфдан иборат. Ностационар тизимларни бошқаришда тақсимланган реестр механизмлари асосида маълумотлар ишончилигини ошириш усул ва алгоритмлари ишлаб чиқилган. Бошқарувни оптималлаштириш учун тақсимланган реестр механизмлари асосида маълумотлар базаси архитектура модели, консенсус алгоритмлари ва шифрлаш усулларини такомиллаштириш алгоритмлари таклиф этилган. Блокчейн технологиялари “тақсимланган реестр технологияси” (англ: Distributed ledger technology - ДЛТ) деб аталадиган алоҳида архитектуралар синфига киритилган. Бундан келиб чиқиб маълумотлар базасининг структурасини шифрланган маълумотлар занжири кўринишида ишлаб чиқилган. Ёпиқ транзакцияларни шифрлаш учун, очик транзакцияларни фиксациялаш учун мўлжалланган иккита криптографик калитлардан иборат жамланмани фойдаланувчилар тармоқга киришда ва ишчи станцияга зарур дастурий таъминотни ўрнатиш натижасида амалга оширадилар. Ҳар бир бажарилган транзакцияларни 1-расм кўринишидаги модел орқали тасдиқлаш амалга оширилади.



1- расм. Транзакция тўғри бажарилганлигини тасдиқлаш схемаси

Ҳар бир тармоқ таркибидаги фойдаланувчи кейинги фойдаланувчига транзакцияларни юбораётган вақтда, олдинги транзакция хешини ва кейингисининг очиқ калитини имзолайди ва бу ахборотни транзакция охирига қўшади. Бу схемага асосан ҳар бир навбатдаги маълумотлар блоки олдинги блок хешига асосланган бўлади. Назарий жиҳатдан тармоқнинг ички таркибига блокни қўшиш мумкин, лекин блокни қўшиш учун энг биринчи ҳосил қилинган блоккача барча олдинги блоklar хешини очишни таълаб этади. Бу эса амалий жиҳатдан олдиндан боғлиқ бўлмаган блокни қўшишнинг мумкин эмаслик хоссасини таъминлайди, яъни тақсимланган реестр асосида тармоқни қуришнинг концептуал принципи тасдиқланади. Тақсимланган реестр механизмларидан фойдаланишда, албатта консенсус алгоритмларидан бирини танлаш таълаб этилади. Консенсус алгоритмлари тақсимланган реестр технологияси таркибидаги маълумотларни ҳаққонийлигини тасдиқлаш учун фойдаланилади. Proof of Stake (Pos) алгоритмининг ишлаш принципи блокчейнга асосланган тизимларда кенг тарқалган ва у бажарилган ишлар улушларни тасдиқлаш алгоритми асосида яратилган услублар ва ечимлардан иборат бўлади. Консенсус алгоритмларининг тадқиқи натижасида Pos алгоритми ЧШНТлар учун энг самарали усул эканлиги аниқланди. Pos алгоритми қўлланилишида бошқарув тизимларидаги ҳар бир маълумот улуш сифатида қабул қилинади ва тасдиқланган криптографик калит орқали махфийлаштирилади. Тақсимланган реестр механизмлари асосида яратилган маълумотлар базасининг ҳар бир блоки узидан олдинги блок таркибидаги маълумотнинг параметри бўйича махфийлаштирилган ҳисобланади. Юқоридаги механизм бўйича тармоқдаги ахборот тизимларининг маълумотлар базаси блокчейн асосида қуйидаги алгоритм бўйича шакллантирилади:

1-қadam. Маълумотларнинг шакли ва турига асосан консенсус алгоритмлари танланади;

2-қadam. Криптографик усул асосида криптографик функция шакллантирилади;

3-қadam. Дастлабки маълумотлар блоки шакллантирилади;

4-қadam. Ҳар бир n -блок калити, $(n-1)$ -блок таркибидаги маълумотнинг параметри бўйича шакллантирилади;

5-қadam. Ҳар бир блок таркибига сақланадиган маълумот, яратилган калит асосида криптографик усул билан махфийлаштирилади;

6-қadam. Шифрланган маълумот блок таркибига жойлаштирилади.

Юқоридаги алгоритм, маълумотларни занжир шаклида динамик калитли криптографик усул билан сақлашни ташкил қилади. Тизим таркибига математик-криптографик ахборот ҳимоясини таъминлаш бўйича, RSA криптографик усулини тақсимланган реестр механизмлари асосида такомиллаштириб Pos алгоритми бўйича динамиклаштирилган калитли криптографик RSA алгоритми таклиф этилган.

Натижада бу усул криптобардошликни, икки марта оширади ва ёпиқ калитни бузиш ёки топишга уриниш $2 \cdot 2^N = 2^{N+1}$ комбинацияларнинг комбинациясига олиб келади. Ишлаб чиқилган алгоритмлар асосида

такомиллаштирилган RSA криптографик усулини криптобардошлик даражасини аниқланган. RSA криптографик усул учун қуйидаги (6) формула билан тавсифланадиган баҳо келтирилган.

$$L_{RSA}(n, r, \alpha) = O\left(e^{((\alpha+o(1))[\ln(n)]^r [\ln \ln(n)]^{1-r})}\right) \quad (6)$$

Юқорида келтирилган (6) формуладаги n – бу туб сон $n \geq 2^N$, бунда берилган кластернинг умумий ҳисоблаш қуввати $G=93014,6$ ТФлон/сга тенг. RSA алгоритмининг барқарорлигини йил, ой, кун, 12 соат, 8 соат, 4 соат, 2 соат ва бир соат бўйича маълумотлари таҳлил қилинган. Натижада ишлаб чиқилган RSA криптографик алгоритм, ЧШНТларнинг маълумотлар ишончилигини оширишга хизмат қила олиши исботланган.

Диссертациянинг «Чекланган ностационар тизимлар бошқарувини оптималлаштириш модел ва алгоритмлари» деб номланувчи учинчи боби тўртта параграфдан иборат. Бунда ЧШНТлар учун Кальман экстраполятори ва нейрон тармоқ асосида башоратлаш моделлари орқали оптимал бошқарув моделларини ишлаб чиқишга бағишланган. Қўйилган масалани, z_t тасодикий кўзғалишлар ва q_t ўлчаш хатолигидаги Гаусс тақсимотиға эга бўлгани учун Калман экстраполяторидан фойдаланиб объект ва чиқиш вектори ҳолатини башоратлаш асосида оптимал бошқариш мумкин. $\hat{x}_{i|j}$ ва $\hat{y}_{i|j}$ – i вақт моментидан бошлаб $j \leq i$ маълумот берувчи j вақт моментидаги ҳолат ва чиқиш вектори баҳолари ҳисобланади. Яъни

$$\hat{x}_{t+1|t} = A_t \hat{x}_{t|t-1} + B_t u_t + K_t (\lambda_t - H_t \hat{x}_{t|t-1}), \hat{x}_{0|-1} = \bar{x}_0, \quad (7)$$

$$\hat{y}_{t+1|t} = L_t \hat{x}_{t+1|t}, \quad (8)$$

$$K_t = A_t B_t H_t^T (H_t P_t H_t^T + Q_t)^{-1}, \quad (9)$$

$$P_{t+1} = Z_t + A_t P_t A_t^T - A_t P_t H_t^T (H_t P_t H_t^T + Q_t)^{-1} H_t P_t A_t^T, P_0 = P_{x_0} \quad (10)$$

P_t учун (10) тенглама дискрет вақтли Риккати айирмали тенгламаси сифатида аниқланади, P_{x_0} – дисперсион матрицани бошланғич қиймати. Башоратланувчи бошқарув моделини амалда қўллаш учун (7)-(10) тенгламалардан $\hat{x}_{t+1|t}$ ни $t+1, t+2, \dots, t+N$ моментлар учун оптимал баҳолар олинади. Башоратловчи бошқарув моделини синтезлаш жараёнинида мақсад функцияси сифатида қуйидаги (11) кўринишидаги критерияни оламиз:

$$J(\hat{x}_{t+1|t}, U_t) = \frac{1}{2} \sum_{k=1}^N \|\hat{y}_{t+k|t} - \hat{y}_{t+k}\|_{F_t}^2 + \frac{1}{2} \sum_{k=1}^M \|\hat{u}_{t+k|t} - \hat{u}_{t+k-1|t}\|_{D_t}^2 \quad (11)$$

бу ерда \hat{y}_{t+k} – $t+k$ вақт моментидаги кузатиловчи сигнал қийматлари вектори F_t ва D_t – симметрик мусбат аниқланган матрицалар. Адаптив моделлаштириш усулларини қўллашга имкон берувчи динамик тасодикий вақтли қаторлар асосида башоратли бошқарув моделлари тадқиқ этилган.

$$x_{t+1} = Ax_t + bu_t, \quad x_0, x_t \in R^n \quad t = 0, 1, \dots, \quad u_t = \varphi \cdot x_t, \quad (12)$$

Бошқарувни оптималлаштиришда кўзатишлар параметрини ўзгаришлар тенденцияси қуйидаги кўринишида аниқланади.

$$\bar{\varphi}_t = \alpha_0 + \alpha_1 \cdot t + \frac{\alpha_2}{2!} \cdot t^2 + \frac{\alpha_3}{3!} \cdot t^3 + \dots + \frac{\alpha_p}{p!} \cdot t^p \quad (13)$$

Бу ерда a – силлиқлаш параметри учун башоратлаш даражаси коэффициентини. Силлиқлаш параметри коэффициентини a қийматини танлаш чекловга боғлиқ равишда кечикишларни характерловчи кўрсаткични ўзгариш тенденциясининг акс этишига таъсир кўрсатади. Силлиқлаш параметри аниқлиги ва баҳосини аниқлашнинг ишлаб чиқилган алгоритми қуйидаги қадамлардан иборат:

1. (13) тенгламадаги параметрларнинг аниқлаш тавсифи;

2. Экспоненциал ўртачаларнинг бошланғич қийматларини қуйидаги (14) формула орқали аниқлаш

$$S_1^0 = \alpha_0 - \frac{1-a}{a} \alpha_1 \quad (14)$$

3. Параболик модел учун экспоненциал ўртачалар

$$S_1^1 = \alpha_0 - \frac{1-a}{a} \alpha_1 + \frac{(1-a)(2-a)}{2a^2} \alpha_2$$

$$S_1^i = \alpha_0 - \frac{i(1-a)}{a} \alpha_1 + \frac{(1-a)(i+1-i \cdot a)}{2a^2} \alpha_2 \quad (15)$$

(15) формулалар бўйича танланади;

4. Башоратловчи функция параметрларини топиш

$$\bar{\alpha}_0 = 2S_1^1 - S_1^2, \quad \bar{\alpha}_1 = \frac{a}{1-a} (S_1^1 - S_1^2)$$

5. $t+l$ момент учун ўзгарувчининг башорат қийматини аниқлаш (16) қуринишида

$$\hat{\varphi}_{t+l} = \bar{\alpha}_0 + \bar{\alpha}_1 (t+l) \quad (16)$$

параболик модел учун (17) қуринишида

$$\hat{\varphi}_{t+l} = \bar{\alpha}_0 + \bar{\alpha}_1 \cdot t_1 + \frac{\bar{\alpha}_2}{2!} (t+l)^2 \quad (17)$$

бу ерда l - қисқа муддатли ўртача, узоқ муддатли ёки бошқа типда прогноз ($l = 1, 2, \dots$) учун давр кўрсаткичи;

6. $t = 2, \dots, n$ лар учун экспоненциал ўртачаларни

$$S_t^1 = a \cdot \varphi_t + (l-a) \cdot S_{t-l}^1$$

$$S_t^2 = a \cdot S_t^1 + (l-a) \cdot S_{t-l}^2$$

формулалар билан ҳисоблаш;

7. Башоратловчи функция экспоненциал ўртачалари ва параметрларини t нинг қолган бошқа қийматлари учун ҳисоблашлар 4-бандга ўтиш билан амалга оширилади ва $t \leq n$ бўлгунча цикл бажарилади;

8. $t=n$ даги модел учун $\hat{\varphi}_{t+l}$ қийматлар башоратлаш қиймати каби қайд қилинади.


9. Тамом.

Ишлаб чиқилган адаптив модел асосида олинган маълумотларни нейрон тармоқ моделига қўлланилган ва натижалар олинган. Фойдаланаётган усулнинг афзаллик даражасини аниқлаш учун башоратланувчи қисмида башорат қийматининг ўртача четланиши қабул қилинган. Бу ҳолда σ бошланғич баъзи коэффициентларининг ўртача йўл қуйиладиган четланиш.

$$\gamma = \frac{1}{N-k} \sum_{i=k+1}^N \left| \frac{\sigma_i - \hat{\sigma}_i}{\sigma_i} \right|, \quad (18)$$

$\hat{\sigma}_i$ –тегишли усул билан топилган баҳо. Бу (18) формуладаги услубга кўра башоратнинг юқори аниқлиги $\gamma < 0,1$ қийматларда, яхши аниқлиги $0,1 < \gamma < 0,2$, қониқарли $0,2 < \gamma < 0,5$ ва қониқарсиз аниқлиқ $\gamma > 0,5$ да еришилади.

Мос равишда уч ой ($q=3$) ва тўққиз ой ($q=9$) муддатларда, шартнома тўлов мисолида иккита қиймат учун 2-расм кўринишида ҳисоблашлар амалга оширилган.




2-расм. Университет ҳисоб рақамига шартнома тўловларни тушиш суммасининг(млн.сумларда) графиги

МАСП–адаптив статистик башоратлаш усули, НСМ – нейрон тармоқли башоратлаш усули. Автоматлаштирилган бошқарув жараёнларида, адаптив-статистик модел ҳам фойдали ҳисобланади, лекин нейрон тармоқли модел самарадорлиги анчагина юқоридир.

Диссертациянинг «**Бошқариш ва маълумотлар ишончлилигини оширишнинг дастурий мажмуасини яратиш ва амалиётга қўлланилиши**» деб номланувчи тўртинчи боби учта параграфдан иборат, унда маълумотларни бошқаришни оптималлаштириш ва бу маълумотлар


ишончилигини оширишнинг дастурий модуллари ҳамда дастурий мажмуанинг умумий структураси ишлаб чиқилган. Дастурий мажмуа 3-расмда кўрсатилган схема орқали белгиланган вазифаларни амалга оширади.



3-расм. Бошқарувни оптималлаштириш ва маълумотлар ишончилигини ошириш дастурий мажмуасининг умумий схемаси

Дастурий мажмуа таркибида ишлаб чиқилган башоратли, адаптив-статистик ва нейрон моделлари асосида, талабаларнинг тўлов тарихи маълумотлари бўйича чекланган муддатларни белгилаш учун тавсиялар берилган. Дастурий мажмуа, Самарқанд давлат университети ва ТАТУ

Самарқанд филиалининг шартнома тўловларини мониторинг қилиш ва электрон хужжат айланиш жараёнига тадбиқ этилган. Дастурий мажмуа ёрдамида тажриба натижалари олинди, тажрибада чекланган имтиёзли муддатлар давомида талабаларнинг тўлов миқдорларини келиб тушиши таҳлил этилди. Таҳлил натижалари асосида нейрон тармоқли модел оптималлиги аниқланган ва у 4-расм кўринишида келтирилган.



4-расм. СамДУ ва ТАТУ СФ маълумотлари бўйича бошқарув моделлари асосидаги тўлов миқдорларининг кўрсаткичларининг диаграммаси

Талабаларнинг одатий чекланган муддат ва бошқарув моделлари асосида берилган имтиёзли муддатларда шартнома тўлов миқдорларининг кечикиш кўрсаткичлари 1-жадвал кўринишида бўлади.

1-жадвал.

Чекланган муддат ва бошқарув моделлари асосида берилган имтиёзли муддатларда шартнома тўлов миқдорларининг кечикиш кўрсаткичлари

Вақт / Модел	Адаптив – статистик (СамДУ)	Адаптив – статистик (ТАТУ СФ)	Башоратли (СамДУ)	Башоратли (ТАТУ СФ)	Нейро-тармоқли (СамДУ)	Нейро-тармоқли (ТАТУ СФ)
Чекланган муддатда кечикиш	7%	9%	6%	5%	4%	6%
Имтиёзли муддатда кечикиш	6%	7%	4%	5%	2%	4%

Хулоса қилиб айтганда ишда таклиф этилган бошқарув моделларини қўллаганда, дастлабки белгиланган муддатга нисбатан дастурий тизим тавсия этган муддатлардаги тўловлар 7-8% га ошиши кузатилган. Ишлаб чиқилган


бошқарув моделларини тўлов тизимлари билан боғлиқ бошқа жараёнларга ҳам қўллаш мумкин.

Ишлаб чиқилган тақсимланган реестр механизмлари асосида маълумотлар ишончилигини ошириш усул ва алгоритмлари, Самарқанд вилоят иқтисодий суди ва Қишлоқ қурилиш банк Самарқанд филиалининг электрон ҳужжат айланиш тизимларида қўлланилди.

Ишлаб чиқилган тақсимланган реестр механизмлари асосида маълумотлар ишончилигини ошириш усул ва алгоритмлари, Самарқанд вилоят иқтисодий суди ва Қишлоқ қурилиш банк Самарқанд филиалининг электрон ҳужжат айланиш тизимларида қўлланилиш натижасида маълумотлар ишончилиги самарадорлигини 1,5-2 баробар ошириш имконини берди.

Олий таълим шартнома тўловларини мониторинг қилиш тизим маълумотлар базаси архитектураси, инфологик ва даталогик модели ҳамда дастурий мажмуанинг модуллари ишлаб чиқилган.

Шартнома тўлов маълумотлар базасининг инфологик ва даталогик модели MySQL Workbench интеллектуал дастури асосида ишлаб чиқилган. MySQL Workbench дастури маълумотларни инфологик моделдаги тузилиш бўйича боғланишлар муносабатлар схемасини қуйидаги 5-расм кўринишида шакллантириб беради.



5-расм. Маълумотлар базасининг боғланишлар ва муносабатлар схемаси

Маълумотлар базаси архитектураси, инфологик ва даталогик модели асосида олий таълим шартнома тўлов тизимининг дастурий мажмуаси яратилган. Дастурий мажмуа орқали тўлов жараёнларини мониторинг қилиш имкони яратилди.

ХУЛОСА

«Ностационар тизимларни ташкилий бошқаришда тақсимланган реестр механизмлари асосида маълумотлар ишончилигини ошириш усул ва алгоритмлари» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Чекланган шартлардаги ностационар тизимларнинг бошқариш ва бошқариладиган тизим маълумотлар ишончилигини тақсимланган реестр механизмлари асосида ошириш механизмларининг ўрганилганлик даражаси тизимли таҳлил қилинди.

2. Бошқарув жараёнларининг математик моделлари асосида чекланган шартлари аниқланди ва ЧШНТларни бошқаришни оптималлаштириш учун бошқаришнинг математик моделлари ишлаб чиқилди, бошқариладиган тизим маълумотлар ишончилигини ошириш мақсадида тақсимланган реестр яъни блокчейн технологиясининг механизмлари таклиф этилди.

3. Тақсимланган реестр механизмнинг асосий тамоиллари, ривожланиш истиқболлари, хавфсизлик даражаси ўрганиб чиқилди ва маълумотлар ишончилигини ошириш параметрлари аниқланди. Тақсимланган реестр яъни блокчейн механизмлари асосида ностационар тизимлар маълумотлар базаси архитектурасини ишлаб чиқишнинг умумий алгоритми яратилди.

4. Бошқариладиган ахборот тизимларининг маълумотлар ишончилигини ошириш учун маълумотлар базаси архитектурасини блокчейн модели асосида ишлаб чиқилди. Блокчейн механизмларидан фойдаланиш учун консенсус алгоритмлари таҳлил қилиниб ЧШНТлар учун Pos алгоритмидан фойдаланиш усули таклиф этилди.

5. Маълумотлар ишончилигини, тақсимланган реестр механизмлари асосида шифрлаш усулининг динамик калитлари орқали ошириш алгоритмлари ишлаб чиқилди.

6. Чекловлар мавжуд ностационар тизимлар маълумотларини башоратлаш асосида бошқарув модели, ўзгармас параметрли система орқали башоратловчи бошқарув моделлари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган моделлар маълумотларни қабул қилиш, сақлаш ва фойдаланувчига етказиш тизимига қўлланилди. Амалий масалаларга қўлланиш асосида ишлаб чиқилган модел ва алгоритмларнинг натижадорлиги аниқланди.

7. Ностационар тизимларнинг вақтли қаторли адаптив-статистик башоратли модели ишлаб чиқилди. Вақтли қаторли башоратли моделни нейрон тармоғи билан интеграцияланган модели таклиф этилди ва тажриба натижалари олинди. Тажриба натижаларида тез, ишончли ва олдиндан башоратлаш асосида автоматлаштирилган бошқарув тизимларида нейрон тармоқли моделнинг қўллаш самарали эканлиги аниқланди.

8. Бошқарув жараёнларини оптималлаштириш ва маълумотлар ишончилигини оширишнинг дастурий мажмуасини умумий схемаси ва модуллари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган бошқарувни оптималлаштиришнинг моделлари тажриба синовдан ўтказилди, тажриба

натижалари асосида 7-8% иқтисодий самарадорлик аниқланди. Маълумотлар ишончлилигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган тақсимланган реестр механизмлари тажриба синовдан ўтказилди, тажриба натижаларида тақсимланган реестр механизмлари ва шифрлаш усуллари асосида 1,5-2 баробар самарадорлик аниқланди.

9. Шартнома тўловларини мониторинги тизимининг маълумотлар базасини реляцион инфологик, даталогик моделлари ишлаб чиқилди. MySQL Workbench интеллектуал дастури асосида шартнома тўловларни мониторинги тизимининг маълумотлар базаси архитектураси ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган модел ва алгоритмлар дастурий мажмуада жорий этилди ва синовдан ўтказилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

НАЗАРОВ ФАЙЗУЛЛО МАХМАДИЯРОВИЧ

**МЕТОДЫ И АЛГОРИТМЫ ПОВЫШЕНИЯ ДОСТОВЕРНОСТИ
ИНФОРМАЦИИ НА ОСНОВЕ МЕХАНИЗМОВ
РАСПРЕДЕЛЕННОГО РЕЕСТРА ПРИ ОРГАНИЗАЦИОННОМ
УПРАВЛЕНИИ НЕСТАЦИОНАРНЫМИ СИСТЕМАМИ**

05.01.02 – Системный анализ, управление и обработка информации

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент– 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2020.2.PhD/T1560.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: Ахатов Акмал Рустамович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Бабомурадов Озод Жураевич
доктор технических наук

Тухтаназаров Дилмурод Солижонович
доктор философии технических наук


Ведущая организация: Ташкентский государственный транспортный университет


Защита диссертации состоится «03» сентября 2021 г. в 16.00 часов на заседании Научного совета DSc.13/30.12.2019.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г.Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер № 202). (Адрес: 100202, г.Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «2» мая 2021 года.
(протокол рассылки № 11 от «04» мая 2021 г.).




Р.Х.Хамдамов
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор технических наук, профессор


Ф.М.Нуралиев
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор технических наук, доцент


А.В.Кабулов
Председатель ~~научного семинара~~ при научном совете по
присуждению ученых степеней, доктор технических наук,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации.

Мировой опыт показывает, что для оптимизации автоматизированного управления социально-экономическими системами на основе цифровых технологий необходимо повышение достоверности информации в управляемой системе. В настоящее время, в связи с переменной природой потоков данных, управление информационными системами в компьютерных сетях на основе моделей управления и использования распределенных механизмов блокчейна на основе реестра для повышения достоверности информации является одним из наиболее эффективных способов. В связи с этим, ученые США, Великобритании, Германии, Франции, Италии, Испании, Японии, Южной Кореи, Российская Федерация, Китая, Индии и других стран проводят ряд исследований по использованию механизмов блокчейна на основе распределенного реестра для обеспечения достоверности хранимых данных. Использование блокчейн в этих исследованиях в основном ориентировано на организацию криптовалютных систем и оптимизацию бизнес-процессов с денежными потоками. В то же время, можно констатировать, что на сегодняшний день задачи использования механизмов распределенного реестра для повышения достоверности информации в системах управления, таких как электронный документооборот, логистические системы, электронные коммунальные платежи в компьютерных сетях, не нашли своего окончательного решения.

В системах, подобных электронному документообороту, электронным коммунальным платежам, логистическим системам, функционирующим в компьютерных сетях, устанавливаются жесткие сроки ограничения исполнения, однако при обработке данных зачастую выявляются запаздывания по срокам и задача преодоления таких запаздываний является одной из важнейших проблем. Тот факт, что эти системы нестационарны по своей природе, создает дополнительные проблемы для обеспечения достоверности данных, описывающих состояния запаздываний. Поэтому в последние годы растет интерес к методам повышения достоверности информации в нестационарных систем в условиях ограничений, основанных на практике применения методов теории управления для оптимизации управления. Поэтому, в последние годы, исходя из практики применения методов теории управления, растет интерес к способам обеспечения и повышения достоверности информации нестационарных систем в условиях ограничений. Использование технологии блокчейн на основе распределенного реестра в системах управления определяет новый подход к повышению достоверности информации. Таким образом, повышение достоверности информации на основе разработки и применения модели архитектуры и алгоритмов формирования базы данных с использованием механизмов распределенного реестра представляет собой актуальную тему исследований.

Наряду с развитием информационно-коммуникационных технологий в нашей республике принимаются широкомасштабные меры по повышению качества управления информационными системами и достоверности информации в них. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан особое внимание уделяется решению проблем по созданию эффективных механизмов развития научно-исследовательской и инновационной деятельности, внедрению научных и инновационных достижений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит выполнению задач, установленных в Указами Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и от 19 февраля 2018 года №УП-5349 «О мерах по дальнейшему совершенствованию информационных технологий и связи», постановлении №ПП-4024 от 21 ноября 2018 года «О мерах по контролю за внедрением информационных технологий и коммуникаций, совершенствованию системы их защиты».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Это исследование реализуется в рамках приоритетного направления IV.«Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

